



Англияда Сассекс университети тадқиқотчилари сунъий ширинлаштирувчи модда – аспартам - инсон саломатлигига жиддий таҳдид солиши мумкинлигини аниқладилар. Мутахассисларнинг фикрича, Европа озик-овкат махсулотлари хавфсизлиги бошқармаси (EFSA) ушбу кўшимчанинг зарарли эканини кўрсатадиган илмий ишлар натижаларини муносиб баҳоламаган.

---

Олимларнинг кўрсатишича, 2013 йил аспартам хавфсиз эканлиги хақида маълум қилган EFSA ушбу моддани истеъмол қилишнинг саломатлик учун салбий оқибатларини кўрсатган 73 та тадқиқотни писанд қилмаган, натижалари кўзга яққол ташланадиган зарар йўқлигини намоён этган 84% илмий ишларни эса шубҳасиз ишончли деб тақдим этган. Бунда 73 та тадқиқотнинг аксарияти гўёки аспартамнинг хавфсизлигини тасдиқлайдиган тадқиқотлардан кўра ишончлироқ бўлиб кўринади, - деб ёзади Лента.ру. Мутахассислар 1974 йилдан бошлаб минглаб турли махсулотлар, жумладан, пархез алкоғолсиз ичимликлар таркибига киритилган аспартамни истеъмол қилиш натижасида мия шикастланиши, ўпка ва жигар саратони ривожланиши, нейроэндокринлар хасталиги risksи хақида огохлантириб қелган.